

Туманимиз спортчиси Ўзбекистон чемпиони бўлди



Бухоро вилоятида Дзюдо бўйича 2008-2009 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Термиз тумани Болалар-ўсмирлар спорт мактаби жамоаси ҳам муносиб иштирок этди.

Спорт мактабимиз тарбияланувчиси Бинафша Хўшбоқова 52 кг вазн тоифасида барча рақибларини мағлуб этиб, Ўзбекистон чемпиони бўлиб олтин медални қўлга киритди.

Термиз туман ҳокимлиги Бинафша Хўшбоқованинг ота-онаси ҳамда мураббийларини олтин медал билан муборакбод этади.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати